

ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.B.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ

ЧОРШАНБИЕВ НУРАЛИ ЭСОНПЎЛАТОВИЧ

***G.BARBADENSE* L. ТУРИ МАҲАЛЛИЙ ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ F_1 -
 F_2 ЎСИМЛИКЛАРИДА МОРФО-ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИНГ
ИРСИЙЛАНИШИ ВА ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ**

03.00.09 – Умумий генетика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2018

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor
of philosophy (PhD)**

Чоршанбиев Нурали Эсонпўлатович

*G.barbadense*L. тури маҳаллий ғўза навларининг F₁-F₂ ўсимликларида
морфо-хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги.

3

Чоршанбиев Нурали Эсонпулатович

Наследование и изменчивость морфо-хозяйственных признаков у
растений F₁-F₂ местных сортов хлопчатникавида *G.barbadense* L.

21

ChorshanbievNuraliEsonpulatovich

Inheritance and variability of morpho-agronomic traits in plants F₁-F₂ of
local cotton varietiesof species*G.barbadense*L.

39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

43

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.B.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ**

ЧОРШАНБИЕВ НУРАЛИ ЭСОНПЎЛАТОВИЧ

***G.BARBADENSE* L. ТУРИ МАҲАЛЛИЙ ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ F₁-
F₂ ЎСИМЛИКЛАРИДА МОРФО-ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИНГ
ИРСИЙЛАНИШИ ВА ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ**

03.00.09 – Умумий генетика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/B37 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учтилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.genetika.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Набиев Сайдиғани Мухторович

биология фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Ибрагимов Паридун Шукорович

қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

Эрназарова Зираатхан Абдазамовна

биология фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.29.08.2017.B.53.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз п/б, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 264-23-90, факс (+99871) 264-23-90, E-mail: igebr@academy.uz).

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз. Тел.: (+99871) 264-23-90.)

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

А.А.Нариманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, к.х.ф.д.

А.Т.Адылова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д., катта илмий ходим

М.Ф.Абзалов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё микёсида сифатли пахта толасига бўлган талаб ортиб бормокда. Халқаро пахта бозорида ингичка толали *G.barbadense* L. турига мансуб ғўза навларининг толаси ўрта толали навлар толасига нисбатан қиммат баҳоланади. Бу типдаги бир тонна толадан бир неча марта кўпроқ газлама йиғирилади ва нархи ҳам юқори туради.

Дунёда *G.barbadense* L. турида олиб борилаётган илмий изланишлар ғўза навлари, тизмалари ва шакллариининг географик узоқ дурагайларида қимматли-хўжалик белгиларининг генетикасини ўрганишга ва янги яратиладиган навларнинг ҳосилдорлиги ҳамда тола сифатини ошириш асосида ички талабни кондириш билан бирга ортиқча толани экспорт қилишга қаратилган. Ингичка толали ғўза навлари ўрта толали навларнинг асосий касаллиги бўлган вертициллёз вилтга, бошқа касаллик ва зараркунандалар ҳамда муҳитнинг ноқулай омилларига чидамли, юқори тола сифатига эга эканлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун рақобатбардош ингичка толали ғўза навларини яратиш энг муҳим илмий-амалий йўналишлардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва аграр ишлаб чиқаришни жадаллаштириш бўйича муайян ютуқларга эришилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган чора-тадбирлар асосида ўрта толали ғўза навларининг генетика ва селекция жараёнларини жадаллаштириш, ҳосилдор янги навларни селекция жараёнларига тадбиқ қилиш борасида муҳим натижалар қўлга киритилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш ва жорий этиш» вазифалари белгилаб берилган. Бу вазифаларни бажаришда маҳаллий ингичка толали ғўза навларининг дурагайларида морфо-хўжалик белгиларининг ирсийланиш, ўзгарувчанлик ва коррелятив боғлиқлик хусусиятларини тадқиқ қилиш, бошланғич навларнинг қимматли-хўжалик белгилари бўйича донорлик салоҳиятларини ва ҳосилдорлик бўйича ижобий гетерозис самарасига эга дурагай комбинацияларини аниқлаш, янги ирсий асосга эга қимматли рекомбинант шакллари ажратиш ва селекция жараёнида қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 1 ноябрдаги 378-сон «Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалиги экин майдонлари таркибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V.«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий олимлардан K.P.Dhamayanthi ва K.Subashree (2016) *G.barbadense* L. тури навларида қимматли-хўжалик белгиларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борганлар. Y.L.Yuan ва бошқалар (2005), Kausar Nawas Shah ва бошқалар (2010) тола белгилари ирсият ва ташқи муҳит шароитлари остида шаклланишини қайд этганлар. R.G.Percy (2003), R.M.Esmail (2007), A.G.Abdel-Hafez ва бошқалар (2007), I.E.El-Beially ва G.I.Mohamed (2008), S.H.Abd-El-Haleem ва бошқалар (2010) микдорий белгилар F_1 дурагайларида ота ёки она навнинг турли даражадаги устунлиги ёки ўта устунлик ҳолатида ирсийланишини аниқлаганлар. A.M.El-Zanaty ва бошқалар (2012) ингичка толали Миср ғўза навларида микдорий белгилар бўйича фенотипик ўзгарувчанликни, M.M.Abd El-Maksoud (2003), A.M.Abdal El-Bary (2013) бир қатор хорижий ғўза навлари ва тизмаларининг комбинацион қобилятларини аниқлаганлар.

МДХ мамлакатларида Р.Бердымурадов, Ш.Акмурадов (1989), А.П.Бажанов, К.Мамедов (1990), Ш.Акмурадов (1992), К.С.Конопля, С.П.Конопля, С.Гурбангельдиев (2005)лар ингичка толали ғўза навлари ва тизмалари дурагайлариининг хўжалик белгиларини ўрганиб, юқори комбинацион қобилятига эга нав ва тизмаларни ажратиб олишган.

Мамлакатимизда *G.barbadense* L. навларининг генетикаси ва селекцияси бўйича илмий ва амалий изланишлар сўнгги даврда Т.И.Муҳиддинов (2007), В.А.Автономов (2009), М.Пўлатов, Р.Г.Ким, Д.Х.Ахмедов (2010), М.И.Иксанов (2010, 2011), Ш.И.Ибрагимов, П.Ш.Ибрагимов ва бошқалар (2011), О.Х.Кимсанбоев (2011), К.О.Хударганов, С.А.Усмонов (2015), Дж.Д.Ахмедов ва бошқалар (2015), Вик.А.Автономов ва бошқалар (2015) каби олимлар томонидан олиб борилган. О.Ж.Жалилов, С.М.Набиев (2006)лар ингичка толали ғўза тизмаларининг морфобиологик хусусиятларини тадқиқ этишган. Вик.А.Автономов, Р.Р.Эгамбердиев, М.Х.Кимсанбоев (2009)лар ингичка толали ғўза навларида географик узок дурагайлаш ва селекция ишларини олиб борганлар.

Таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда мамлакатимизда яратилган ингичка толали ғўза навларидан генетик-селекцион тадқиқотларда фойдаланиш учун уларнинг ирсий салоҳияти ҳамда янги ирсий асосга эга, тезпишар, серҳосил, тола сифати ва чиқими юқори бўлган шакллар олишдаги аҳамиятини аниқлаш бўйича илмий изланишлар деярли олиб борилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти илмий тадқиқот ишлари режасининг Ф.4.1.35 «Ўзанинг ресурстежовчи навларини яратиш учун морфофизиологик ва қимматли-хўжалик белгиларини генетик ўрганиш ва яхшилаш» (2003-2007), ФА-А10-Т-103 «Ўзанинг гермплазма коллекциясини қимматли-хўжалик белгилари билан боғлиқ ҳолда генетик, фенотипик, молекуляр ва физиологик-биокимёвий баҳолаш» (2009-2011) мавзусидаги фундаментал ва амалий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади *G.barbadense* L. турига мансуб маҳаллий ғўза навларининг F_1 - F_2 дурагайларида морфо-хўжалик белгиларининг ирсийланиш ва ўзгарувчанлик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

G.barbadense L. турига мансуб маҳаллий ғўза навларида морфо-хўжалик белгиларини, уларнинг F_1 ўсимликларида бу белгиларнинг ирсийланишини ўрганиш;

ғўза навларининг қимматли-хўжалик белгилари бўйича комбинацион қобилиятларини аниқлаш;

ғўза навларининг F_2 ўсимликларида морфо-хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлик кўлами ва наслдан-наслга берилиш даражасини аниқлаш;

янги ирсий асосга ва қимматли-хўжалик белгиларининг мажмуасига эга F_2 рекомбинантларини аниқлаш ва уларни селекция ишида фойдаланишга тавсия этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида *G.barbadense* L. турининг маҳаллий Сурхон-9, Термиз-32, Дуру Гавхар, Бухоро-7, Сурхон-10 ғўза навлари ва уларнинг диаллел F_1 - F_2 авлоди ўсимликларидан, андоза нав сифатида эса Термиз-31дан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети ингичка толали маҳаллий ғўза навларининг морфобиологик хусусиятлари, уларнинг F_1 - F_2 ўсимликларида қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги таҳлиллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ғўза генетикаси ва селекциясининг классик усуллари, навлараро чатиштириш, фенологик кузатувлар, гибридологик таҳлил ҳамда генетик-статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

G.barbadense L. турига мансуб маҳаллий ғўза навларининг биринчи авлод дурагайларида битта кўсакдаги пахта оғирлиги, ўсимликдаги кўсаклар сони, хўжалик маҳсулдорлиги ва умумий маҳсулдорлик каби қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланиши асосан ижобий ўта устунлик ҳолатида кечиши аниқланган;

ғўза навларининг F_1 комбинацияларида ўсимлик бўйи, бош поядаги бўғимлар сони, ўсув даври ва 1000 дона чигит оғирлиги каби морфо-хўжалик

белгилари,асосан,паст кўрсаткичли навнинг тўлиқсиз устунлиги ҳамда салбийўта устунлик ҳолатларида ирсийланиши аниқланган;

ота-она навларининг реципрок F_1 комбинацияларида морфо-хўжалик белгиларинингкўрсаткичлари бўйича статистик фарқланиш мавжудлиги асосида бу белгиларнинг генетик назоратида ядровий генлар билан бир қаторда цитоплазматик генлар ҳам иштирок этиши очиб берилган;

ўсимлик бўйи, ўсув даври, тола чиқими ва 1000 дона чигит оғирлиги каби белгиларнинг ирсий назоратида генларнинг аддитив самараси, бош поядаги бўғимлар сони, ўсимликдаги кўсаклар сони, хўжалик маҳсулдорлиги, умумий маҳсулдорлик ва тола узунлиги бўйича эса генларнингноаддитив самараси кучлироқ эканлиги аниқланган;

ғўза навларининг F_2 авлодларида хўжалик белгилари бўйича юқори кўрсаткичларга эга қимматли рекомбинантларнинг ажралиб чиқиш даражаси чатиштиришда қатнашаётган ота-она навларга ва уларнинг комбинацион қобилиятига боғлиқлиги очиб берилган;

дурагайларнинг F_2 комбинацияларида қимматли-хўжалик белгиларининг наслдан-наслга берилиш коэффиценти (h^2) ота-она шаклларига боғлиқ равишда турли даражадабўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ингичка толали ғўза навларининг хўжалик белгилари бўйича умумий комбинацион қобилиятларини аниқлаш асосида генетик-селекцион тадқиқотларда Сурхон-9 навидан тезпишарлик, хўжалик маҳсулдорлиги, умумий маҳсулдорлик, тола чиқими ва узунлиги; Термиз-32 навидан тезпишарлик, умумий маҳсулдорлик, тола чиқими ва ўсимликдаги кўсаклар сони; Дуру Гавхар ва Бухоро-7 навларидан битта кўсакдаги пахта оғирлиги; Сурхон-10 навидан 1000 дона чигит оғирлиги бўйича қимматли бошланғич манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги аниқланган;

маҳаллий ингичка толали ғўза навларининг F_1 авлодида тезпишарлик, хўжалик маҳсулдорлиги ва умумий маҳсулдорлик бўйича юқори гетерозис самарасига эга комбинациялар аниқланган, F_2 авлодида янги ирсий асосга эга, қимматли-хўжалик белгилари бўйича юқори кўрсаткичли рекомбинантлар ажратиб олинган;

F_2 Сурхон-9 х Термиз-32 дурагай популяцияси асосида янги ингичка толали, тезпишар, ҳосилдор, тола чиқими ва сифати юқори, нисбатан йирик кўсакли «Марварид» ғўза нави яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларда қўлланилган усуллар ҳамда илмий ёндашувлар асосида олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, илмий тадқиқотлар натижаларининг республика ва халқаро илмий-амалий анжуманлардаги муҳокамаси ҳамда етакчи илмий журналларда чоп этилганлиги, олинган рақамли кўрсаткичларнинг генетик-статистик таҳлиллари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *G.barbadense* L. турига мансуб маҳаллий ғўза навларининг морфобиологик белгилари қиёсий тадқиқ этилгани,

бошланғич навларга боғлиқ ҳолда дурагайларда белгилар ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва наслдан-наслга берилиши хусусиятлари таҳлил қилингани, корреляция коэффицентининг генотипик таркибга боғлиқлиги, дурагай популяцияларида қимматли рекомбинантлар шаклланишида ота-она навларнинг таркиби ва умумий комбинацион қобиляти муҳим аҳамият касб этиши очиқ берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ингичка толали маҳаллий ғўза навларининг қимматли-хўжалик белгилари бўйича генетик-селекцион салоҳиятлари аниқлангани, F_1 авлодида умумий маҳсулдорлик бўйича юқори гетерозис самарасига эга дурагай комбинациялари ва F_2 авлодида хўжалик белгилари уйғунлашган қимматли рекомбинантлар ажратиб олингани ва улар селекция ишида қўллашга тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *G.barbadense* L. тури маҳаллий ғўза навларининг F_1 - F_2 ўсимликларида морфо-хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлик хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

G.barbadense L. тури маҳаллий ғўза навларининг F_1 - F_2 ўсимликларида морфо-хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлик хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган маълумотлар 31800290-сон «Хитой коллекциясидаги *G.barbadense* L. турига мансуб ғўза намуналарини қимматли-хўжалик белгиларини ўрганиш асосида бошланғич ашё ажратиш» мавзусида бажарилган илмий лойиҳада ғўза намуналарининг морфо-хўжалик белгиларини баҳолашда фойдаланилган (Хитой Фанлар академиясининг 2018 йил 02 мартдаги маълумотномаси). Илмий натижалар қимматли-хўжалик белгиларининг юқори кўрсаткичларига эга намуналарни ажратиб олиш имконини берган.

G.barbadense L. турига мансуб маҳаллий ғўза навларининг F_1 - F_2 дурагайларида морфо-хўжалик белгиларининг ирсийланиш ва ўзгарувчанлик хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар ФА-А8-Т026 рақамли «Дунё ғўза генофонди тетраплоид турлари навларининг хилма-хиллигини ўрганиш, хўжалик ва биологик хусусиятларига ҳамда селекциявий потенциалига баҳо бериш» мавзусидаги амалий лойиҳада тетраплоид *G.barbadense* L. турига мансуб ғўза навларининг морфобиологик ва қимматли-хўжалик белгиларини баҳолашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 12 мартдаги 2/1255-627-сон маълумотномаси). Илмий натижалар навларнинг қимматли-хўжалик белгилари бўйича комбинацион қобилятини аниқлаш ва генетика-селекция ишлари учун тезпишар, юқори ҳосилли донорлар ажратиб олиш имконини берган.

Илмий иш натижалари асосидаяратилган тезпишар ва ҳосилдор ингичка толали «Марварид» ғўза нави ҳамда қимматли рекомбинант шакллари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ботаника институти «Ўза генофонди» ноёб объекти коллекциясига тақдим этилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 12 мартдаги 2/1255-627-сон

маълумотномаси). Бу нав ва рекомбинант шакллар ингичка толали ғўза коллекцияси фондини янада бойитиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «*G.barbadense* L. турига мансуб ғўза навларининг дурагайларида морфо-хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва навларнинг комбинацион қобилиятини ўрганиш тарихи» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси доирасида республика, МДХ ва хорижий давлатлар олимларининг *G.barbadense* L. тури навларида морфо-хўжалик белгиларини, уларнинг комбинацион қобилиятларини ўрганиш бўйича тадқиқотлари шарҳи келтирилган. Ингичка толали ғўза генетикаси ва амалий селекцияси соҳасида олиб борилган изланишлар натижалари, жумладан, қимматли-хўжалик белгиларининг юқори кўрсаткичларига эга янги шакллар ва навларни яратишда туричи ва нав-тизмалараро дурагайлаш услубларидан фойдаланишнинг аҳамияти ва самарадорлиги масалалари очиқ берилган. Кейинги йилларда Ўзбекистонда яратилган ингичка толали ғўза навларининг донорлик салоҳияти, уларнинг дурагай авлодларида морфо-хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар жуда камлиги таъкидланган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказиш шароитлари, манбалари ва услублари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказиш шароитлари, манбалари ваизланишларда фойдаланган ғўза генетикаси ва селекциясининг услублари, генетик-селекцион статистика таҳлили услублари баён қилинган.

Диссертациянинг «Ингичка толали маҳаллий гўза навларининг F_1 ўсимликларида морфо-хўжалик белгиларнинг гибридологик таҳлили ва навларнинг комбинацион қобилияти» деб номланган учинчи бобида *G.barbadense* L. турида навлараро дурагайлаш натижасида олинган F_1 ўсимликларида морфо-хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва навларнинг комбинацион қобилияти тўғрисидаги маълумотлар баён этилган.

Бобнинг биринчи бўлимида «ўсимлик бўйи» белгисининг F_1 комбинацияларида намоён бўлиши ота-она навлар таркибига боғлиқлиги ва асосан паст ва юқори кўрсаткичли навнинг тўлиқсиз устунлиги, ижобий ва салбий ўта устунлик ҳолатида ирсийланиши, Сурхон-9 навининг Термиз-32, Дуру Гавхар ва Бухоро-7 билан; Бухоро-7 навининг Термиз-32 ва Дуру Гавхар билан бўлган тўғри ва тескари комбинацияларида реципрок фарқланиш мавжудлиги асосида белгининг ирсий назоратида ядровий генлар билан бир қаторда цитоплазматик генларнинг ҳам иштирок этиши қайд этилган. Сурхон-9 ва Термиз-32 навларида МКҚ (махсус комбинатив қобилият) вариансасининг УКҚ (умумий комбинатив қобилият) вариансасига нисбатан устунлиги ($\sigma^2_{si} > \sigma^2_{gi}$) уларда ўсимлик бўйи ноаддитив генлар назоратида, қолган навларда эса аддитив генлар назоратида эканлигини ($\sigma^2_{gi} > \sigma^2_{si}$) кўрсатади.

Гўза навларининг F_1 ўсимликларида «бош поядаги бўғинлар сони» белгиси асосан ижобий ва салбий ўта устунлик, баъзи дурагайларда эса паст кўрсаткичли навнинг тўлиқсиз устунлиги ҳолатида ирсийлангани кўрсатилган. Сурхон-9, Термиз-32 ва Бухоро-7 навларида МКҚ вариансасининг УКҚ вариансасидан катта ($\sigma^2_{si} > \sigma^2_{gi}$) эканлиги бу навларда белгининг генетик назорати ноаддитив генлар таъсири остида, Дуру Гавхар ва Сурхон-10 навларида эса аддитив генлар ($\sigma^2_{gi} > \sigma^2_{si}$) билан бошқарилишини кўрсатади.

Ўсув даври белгиси, яъни биологик тезпишарлик F_1 ўсимликларида асосан, тезпишар навнинг тўлиқсиз устунлиги, шунингдек салбий ўта устунлик ҳолатларида ирсийланди. Сурхон-9 навидан ташқари барча навларда $\sigma^2_{gi} > \sigma^2_{si}$ бўлиб, белгининг ирсийланишида аддитив генларнинг таъсири кучли, Сурхон-9 навида эса аддитив ва ноаддитив генларнинг таъсири бир хил бўлди. Бу белги бўйича Термиз-32 ва Сурхон-9 навлари салбий УКҚнинг юқори кўрсаткичларига эга эканликлари улардан тезпишарлик бўйича донор сифатида фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади.

Бобнинг иккинчи бўлимида «битта кўсакдаги пахта оғирлиги» белгиси F_1 ўсимликларида асосан ижобий ўта устунлик ва юқори кўрсаткичли навнинг тўлиқсиз устунлиги ҳолатида ирсийлангани баён этилган. Кўсак йириклиги бўйича бир-бирига яқин бўлган Сурхон-9 ва Термиз-32 навларининг ўзаро реципрок комбинацияларида ижобий ўта устунлик ($h_p=5,40$), белги кўрсаткичи бўйича бир-биридан фарқ қиладиган Бухоро-7 ва Термиз-32 навлари ўзаро чатиштирилганда эса F_1 Бухоро-7хТермиз-32 комбинациясида нисбатан йирик кўсакли Бухоро-7 навининг тўлиқсиз устунлиги ($h_p=0,78$), F_1 Термиз-32 х Бухоро-7 комбинациясида эса ижобий ўта устунлик ($h_p=1,36$) ҳолатлари кузатилди. Бухоро-7 ва Сурхон-10

навларида УҚҚ вариансаси МҚҚ вариансасига нисбатан юқори ($\sigma_{gi}^2 > \sigma_{si}^2$) бўлиб, уларда битта кўсакдаги пахта оғирлигасосан аддитив генлар назорати остида бошқарилади. Қолган навларда ушбу белгининг назоратида аддитив ва ноаддитив генларнинг таъсирибир хил бўлди.

Навларнинг F_1 комбинацияларида «ўсимликдаги кўсаклар сони» белгиси асосан ижобий ўта устунлик ҳолатида ирсийланди. Кўрсаткичлари яқин бўлган Сурхон-9 ва Термиз-32 навлари чатиштирилганда тўғри F_1 Сурхон-9 х Термиз-32 комбинациясида ижобий ўта устунлик ($h_p=6,20$), тескари F_1 Термиз-32 х Сурхон-9 комбинациясида юқори кўрсаткичли навнинг тўлиқсиз устунлиги ($h_p=0,60$) қайд этилди. Ушбу дурагайларда белгининг ўртача кўрсаткичи бўйича реципрок фарқланишнинг мавжудлиги белгининг ирсий бошқарилишида ядровий генлар билан бир қаторда цитоплазматик генлар ҳам иштирок этишини ва юқори ижобий УҚҚга эга Термиз-32 нави ($\hat{g}_i=3,05$) бу белгини яхшилашда қимматли бошланғич манба эканлигини кўрсатади.

«1000 дона чигит оғирлиги» белгиси F_1 ўсимликларида асосан паст кўрсаткичли навнинг тўлиқсиз устунлиги ва салбий ўта устунлик ҳолатида ирсийланди. Сурхон-10 навидан ташқари барча навларда $\sigma_{si}^2 < \sigma_{gi}^2$ ҳолати бўлиб, белгининг ирсийланишида аддитив генлар, Сурхон-10 навида эса ноаддитив генлар ($\sigma_{si}^2 > \sigma_{gi}^2$) муҳим рол ўйнашини кўрсатади.

Навларнинг F_1 ўсимликларида «хўжалик маҳсулдорлиги» белгиси асосан ижобий ўта устунлик ҳолатида ирсийланди. Белги бўйича Термиз-32 навида юқори ижобий УҚҚ ($\hat{g}_i=6,15$) қайд этилгани асосида бу навдан хўжалик маҳсулдорлиги юқори бўлган янги тезпишар ва серҳосил навлар яратишда бошланғич манба сифатида фойдаланиш тавсия этилади. Сурхон-9, Дуру Гавхар, Бухоро-7 ва Сурхон-10 навларида $\sigma_{si}^2 > \sigma_{gi}^2$ ҳолати ушбу белгининг ирсийланишида ноаддитив генлар, Термиз-32 навида эса аддитив генларнинг ($\sigma_{si}^2 < \sigma_{gi}^2$) таъсири кучли эканлигини билдиради.

Навларнинг F_1 ўсимликларида «умумий маҳсулдорлик» белгиси асосан ижобий гетерозисли ўта устунлик ҳолатида ирсийлангани қайд этилди (1-жадвал). Фақатгина F_1 Бухоро-7 х Сурхон-10 комбинациясида салбий ўта устунлик ($h_p=-4,8$) ва F_1 Сурхон-10 х Бухоро-7 комбинациясида паст кўрсаткичли навнинг тўлиқсиз ($h_p=-0,7$) устунлиги кузатилди. Умумий маҳсулдорлик бўйича УҚҚнинг энг юқори ижобий кўрсаткичлари Сурхон-9 ва Термиз-32 навларида ($\hat{g}_i$) (мос равишда 4,69 данга тенг) эканлигидан келиб чиқиб, улардан ҳосилдор ғўза навлари селекциясида бошланғич манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Бобнинг учинчи бўлимида F_1 ўсимликларида «тола чиқими» белгиси асосан юқори кўрсаткичли навнинг тўлиқсиз устунлиги ва ижобий ўта устунлик ҳолатида ирсийлангани баён этилган. Белги кўрсаткичлари бири-бирига яқин бўлган Сурхон-9 ва Термиз-32 навларининг билан реципрок комбинацияларида белги ижобий ўта устунлик ҳолатида ($h_p=6,0$ ва $h_p=4,0$) ирсийланди.

Тола чиқими турлича бўлган Сурхон-9 ва Бухоро-7 навлари ўзаро чатиштирилганда, уларнинг реципрок комбинацияларида белги тола чиқими юқори бўлган Сурхон-9 навининг тўлиқсиз устунлиги ҳолатида ирсийланди. Сурхон-9 ва Термиз-32 навлари УКҚнинг юқори ижобий кўрсаткичларига эга бўлиб ($\hat{g}_i$ мос равишда 1,29 ва 0,72), улардан юқори тола чиқими эга бўлган ингичка толали ғўза навларини яратишда истиқболли донор сифатида фойдаланиш мумкин (2-жадвал). Дуру Гавхар навидан ташқари, қолган барча навларда $\sigma_{si}^2 < \sigma_{gi}^2$ эканлиги, уларда тола чиқими белгисининг генетик назоратида аддитив генлар улуши, Дуру Гавхар навида эса $\sigma_{si}^2 > \sigma_{gi}^2$ эканлиги ноаддитив генлар улуши кучли эканлигини билдиради.

1-жадвал

Ингичка толали маҳаллий ғўза навларнинг F_1 ўсимликларида «умумий маҳсулдорлик» белгисининг ирсийланиши

№	Навлар, F_1 комбинациялари	$\bar{X}$ г/ўсим	hp	Гетерозис; %
1	Сурхон-9	42,3	-	-
2	Термиз-32	37,4	-	-
3	ДуруГавхар	35,7	-	-
4	Бухоро-7	46,2	-	-
5	Сурхон-10	42,2	-	-
6	Сурхон-9хТермиз-32	66,5	10,9	157,2
7	Сурхон-9хДуруГавхар	44,6	1,7	-
8	Сурхон-9хБухоро-7	63,9	10,1	138,3
9	Сурхон-9хСурхон-10	52,8	211,0	124,8
10	Термиз-32хСурхон-9	53,7	5,7	127,0
11	Термиз-32хДуруГавхар	50,9	16,9	136,1
12	Термиз-32хБухоро-7	47,4	1,3	-
13	Термиз-32хСурхон-10	62,9	9,6	149,1
14	ДуруГавхархСурхон-9	60,2	6,4	142,3
15	ДуруГавхархТермиз-32	56,8	23,8	151,9
16	ДуруГавхархБухоро-7	57,9	3,2	125,3
17	ДуруГавхархСурхон-10	52,7	4,2	124,9
18	Бухоро-7хСурхон-9	60,7	8,4	131,4
19	Бухоро-7хТермиз-32	54,4	2,9	117,8
20	Бухоро-7хДуруГавхар	46,0	1,0	-
21	Бухоро-7хСурхон-10	34,6	-4,8	82,0
22	Сурхон-10хСурхон-9	51,9	193,0	122,7
23	Сурхон-10хТермиз-32	66,1	11,0	156,6
24	Сурхон-10хДуруГавхар	62,8	7,3	148,8
25	Сурхон-10хБухоро-7	42,8	-0,7	-
	ЭКФ ₀₅	3,1		

Навларнинг F_1 ўсимликларида «тола узунлиги» белгиси асосан салбий ва ижобий ўта устунлик ҳолатларида ирсийланди. Тола узунлиги бир-бирига яқин бўлган Бухоро-7 ва Сурхон-9 навлари ўзаро чатиштирилганда, тўғри F_1 Бухоро-7 х Сурхон-9 комбинациясида толаси узунроқ бўлган Бухоро-7 навининг тўлиқ устунлиги ($hp=1,0$), тесқари F_1 Сурхон-9 х Бухоро-7 комбинациясида эса салбий ўта устунлик ($hp=-1,67$) ҳолатлари кузатилди.

Термиз-32, Дуру Гавхар, Бухоро-7 ва Сурхон-10 навларида $\sigma_{si}^2 > \sigma_{gi}^2$ бўлиши белгининг генетик назоратида ноаддитив генлар таъсири юқорилигини, Сурхон-9 навида эса аддитив ва ноаддитив генлар таъсири бир хил ($\sigma_{si}^2 = \sigma_{gi}^2$) эканлигини кўрсатади.

2-жадвал

«Тола чиқими» белгиси бўйича навларнинг УКҚ самараси ($\hat{g}_i$), МКҚ константи ($\hat{s}_{ij}$), УКҚ вариансаси (σ_{gi}^2) ва МКҚ вариансаси (σ_{si}^2)

$\frac{\text{♀}}{\text{♂}}$	Сур хон-9	Тер миз-32	Дуру Гавхар	Бухо ро-7	Сур хон-10	$\Sigma \hat{s}_{ij}^2$	σ_{si}^2	σ_{gi}^2	$\hat{g}_i$
Сурхон-9		-0,56	0,10	0,64	-0,16	0,759	0,23	1,66	1,29
Термиз-32			0,37	-0,10	0,30	0,551	0,16	0,51	0,72
Дуру Гавхар				-0,43	-0,03	0,333	0,09	0,01	-0,15
Бухоро-7					-0,10	0,615	0,19	1,38	-1,18
Сурхон-10						0,127	0,02	0,45	-0,68

Бобнинг тўртинчи бўлимида ғўза навларида ва F_1 ўсимликларида морфо-хўжалик белгиларнинг корреляциявий боғлиқлиги кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили келтирилган. Навларда ўсимлик бўйи билан битта кўсакдаги пахта оғирлиги; хўжалик маҳсулдорлиги билан ўсимликдаги кўсақлар сони; ўсимликдаги кўсақлар сони билан тола чиқими; ўсув даври билан 1000 дона чигит оғирлиги белгилари ўртасида юқори ижобий корреляция (r мос равишда 0,70; 0,84; 0,75; 0,79); ўсимликдаги кўсақлар сони билан битта кўсакдаги пахта оғирлиги; бош поядаги бўғимлар сони билан ўсув даври; битта кўсакдаги пахта оғирлиги билан тола чиқими; ўсув даври билан тола чиқими; бош поядаги бўғимлар сони билан 1000 дона чигит оғирлиги белгилари ўртасида эса юқори салбий корреляция (r мос равишда -0,81; -0,92; -0,80; -0,75; -0,81) мавжудлиги аниқланди. F_1 ўсимликларида эса умумий маҳсулдорлик билан хўжалик маҳсулдорлиги; ўсимлик бўйи билан бош поядаги бўғимлар сони; хўжалик маҳсулдорлиги билан битта ўсимликдаги кўсақлар сони ўртасида юқори ижобий корреляция (r мос равишда 0,74; 0,88; 0,87); ўсув даври билан тола чиқими; тола чиқими билан 1000 дона чигит оғирлиги ўртасида юқори салбий корреляция (r мос равишда -0,78; -0,67) кайд этилди. Ўрганилган бошқа белгилар ўртасидаги корреляция ижобий ва салбий кучсиз ва ўрта даражада бўлди.

Диссертациянинг «Ингичка толали маҳаллий ғўза навларининг F_2 ўсимликларида морфо-хўжалик белгиларнинг ўзгарувчанлик кўлами ва наслдан-наслга берилиш даражаси» деб номланган тўртинчи боби ота-она навларда ва уларнинг иккинчи бўғин дурагайларида морфо-хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлиги ҳамда F_2 комбинацияларида бу белгиларнинг наслдан-наслга берилиш даражасининг таҳлилига бағишланган.

Бобнинг биринчи бўлимида келтирилишича, ота-она ғўза навларида «ўсимлик бўйи» белгисининг ўзгарувчанлик кўлами 4-5 синфни ташкил этди ва вариация коэффициенти паст ($V < 10\%$) бўлди. F_2 комбинацияларида белги бўйича чап ва ўнг томонли трансгрессия мавжудлиги аниқланди. Бунда ўзгарувчанлик кўлами 6-11 синфни қамраб олди, гистограмма эса 1-2-3

чўққидан иборат бўлди. F_2 комбинацияларида вариация коэффиценти юқори ($V > 20\%$) бўлиб, «ўсимлик бўйи» белгиси навларга нисбатан уларнинг иккинчи авлод дурагайларида катта ўзгарувчанликка учрашини кўрсатади. Белгининг наслдан-наслга берилиш даражаси (h^2)нинг 0,56 дан то 0,86 гачалиги чатиштиришда иштирок этган ота-она навлар таркибига боғлиқ равишда бу кўрсаткичнинг ўртача ва юқори даражада бўлишини кўрсатди.

Ёўза навларида «бош поядаги бўғимлар сони» белгисининг ўзгарувчанлик кўлами 4-5 синфни, уларнинг F_2 комбинацияларида эса 5-7 синфни ўз ичига олди, гистограмма бир чўққили, айрим ҳолларда икки чўққили бўлди. Навларда вариация коэффиценти (V)нинг кўрсаткичи кичик ва ўрта (8,7-13,1%), F_2 комбинацияларида ўрта ва юқори (16,1-25,0%) бўлиб, чап ва ўнг томонли трансгрессив ўзгарувчанлик юзага келди. Иккинчи авлод дурагай комбинацияларида белгининг наслдан-наслга берилиш коэффиценти h^2 0,33 дан 0,65 гача бўлиб, ўртача даражани ташкил этди.


Навларда «ўсув даври» белгиси бўйича ўзгарувчанлик кўлами 4-5 синфни, уларнинг F_2 комбинацияларида эса 4-7 синфни ўз ичига олди. Бу белги бўйича гистограмма асосан бир чўққили, кам ҳолларда икки чўққили бўлди. Трансгрессив ўзгарувчанликнинг ўнг ва чап томонли ҳолатлари аниқланди. Навларда ва F_2 комбинацияларида белгининг вариация коэффиценти кучсиз (мос равишда $V = 2,7-3,4\%$ ва $V = 3,1-5,4\%$), белгининг наслдан-наслга берилиш коэффиценти h^2 эса F_2 комбинацияларига боғлиқ равишда кучсиздан то ўртача даражани, яъни 0,15 дан то 0,60 гачани ташкил этди.

Бобнинг иккинчи бўлимида баён этилишича, «битта кўсакдаги пахта оғирлиги» белгисининг ўзгарувчанлик кўлами навларда 3-4 синфни, F_2 комбинацияларида эса 6-9 синфни ташкил этди. 20 та F_2 комбинацияларидан 10 тасида ўнг томонли ижобий трансгрессив ўзгарувчанлик юзага келиб, ота-она навларга нисбатан йирик кўсакли генотиплар ажралиб чиқди. Навларда белгининг вариация коэффиценти кўрсаткичи кичик ($V = 7,7-11,4\%$), F_2 комбинацияларида ўртача ($V = 13,9-20,5\%$), фақат Термиз-32 навининг Дуру Гавхар ва Бухоро-7 навлари билан тўғри комбинацияларида юқори (мос равишда $V = 27,7\%$ ва $V = 29,5\%$) бўлди. F_2 комбинацияларида белгининг наслдан-наслга берилиш коэффиценти (h^2) паст (0,24) дан то ўртача (0,63) даражага эга бўлди.

«Ўсимликдаги кўсаклар сони» белгиси бўйича ўзгарувчанлик кўлами навларда 4 синфни, F_2 комбинацияларида эса 6-9 синфни қамраб олди. Бу авлод дурагай комбинацияларида ўнг ва чап томонли трансгрессив ўзгарувчанлик қайд этилиб, 5 та комбинацияда ўсимликдаги кўсак сони 46-50 тагача бўлган дурагай генотиплари ажралиб чиқди. Навларда белгининг вариация коэффиценти кўрсаткичи ўртача ($V = 13,2-20,1\%$), F_2 комбинацияларида эса юқори ($V = 21,2-36,8\%$) бўлди. F_2 комбинацияларида белгининг наслдан-наслга берилиш коэффиценти h^2 0,48 дан то 0,70 гача бўлиб, ўртачадан то юқори даражаларни ташкил этди.

«1000 дона чигит оғирлиги» белгиси бўйича ўзгарувчанлик кўлами ота-она навларида 4-5 синфни, F_2 комбинацияларида 5-7 синфни ташкил этди. Белгининг гистограммаси барча навларда ва F_2 комбинацияларида бир чўққили бўлди. Ота-она навларида 1000 дона чигит оғирлиги белгисининг ўзгарувчанлиги кичик ($V=6,0-8,0\%$), F_2 комбинацияларида эса кичик ва ўртача ($V=6,3-12,6\%$) бўлди. F_2 комбинацияларида белгининг наслдан-наслга берилиш коэффиценти h^2 кичик ва ўрта даражалар (0,14 дан то 0,62 гача)ни ташкил этди.

Ўрганилган ғўза навларида «хўжалик маҳсулдорлиги» белгиси бўйича ўзгарувчанлик кўлами 4 синф, F_2 комбинацияларида эса 6-8 синфдан иборат бўлди. Барча F_2 комбинацияларида ўнг томонли трансгрессив ўзгарувчанлик, гистограмманинг асосан бир чўққили, айрим ҳолатларда икки чўққили эканлиги қайд этилди (1-расм). Белгининг вариация коэффиценти навларда ва уларнинг F_2 комбинацияларида юқори ($V>20\%$) бўлиб, унинг кўрсаткичи F_2 комбинацияларида ота-она навларига нисбатан 1,5-2 марта ортиқ эканлиги аниқланди. F_2 дурагайларида белгининг наслдан-наслга берилиши коэффиценти F_2 Сурхон-10 х Бухоро-7 ва F_2 Сурхон-9 х Термиз-32 комбинацияларида мос равишда 0,33 ва 0,46 ни, қолган комбинацияларда эса (0,53-0,75), яъни ўртача ва юқори даражани ташкил этди.



1-расм. F_2 комбинацияларида хўжалик маҳсулдорлиги бўйича трансгрессив ўзгарувчанлик


Навларда «умумий маҳсулдорлик» белгисининг ўзгарувчанлик кўлами 4-5 синфдан, F_2 комбинацияларида эса 8-11 синфдан иборат бўлди. F_2 комбинацияларининг барчасида ўнг томонли трансгрессия пайдо бўлгани, яъни ота-она навлари кўрсаткичларидан ҳам юқори ҳосилли генотипларнинг ажралиб чиққани қайд этилди. Гистограмма асосан бир чўққили, айрим комбинацияларда икки ва уч чўққили бўлди (3-жадвал). Навларда белгининг вариация коэффиценти 17,4-21,7%ни, Дуру Гавхар навида эса 25,8%ни ташкил этди. F_2 комбинацияларида вариация коэффиценти юқори бўлиб, 31,7-50,6%ни ташкил этди. Баъзи F_2 комбинацияларида «умумий

Навларнинг F₂ авлодида умумий маҳсулдорлик белгисининг (гўсимлик) ўзгарувчанлик кўлами ва наслдан-наслга берилиши

Т/ р	Навлар, F ₂ комбинациялари	Синфлардаги ўсимликлар фоизи											б	CV%	h ²
		11,0 20,0	21,0 30,0	31,0 40,0	41,0 50,0	51,0 60,0	61,0 70,0	71,0 80,0	81,0 90,0	91,0 100,	101,0 110,0	111,0 120,0			
1	Сурхон-9		3,3	33,3	46,6	3,3							7,18	17,4	
